



Куч-АДОЛАТДА

2010 йил,
30 декабрь,
пайшанба
№ 51-52 (306)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.supcourt.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Эзу ниёти ва фидокорона меҳнати

ютуқ ва муваффақиятларимиз гаровидир

Биз доимо орзиқиб кутадиган янги йил байрами бу йил ҳам ўзгача шуқуқ билан кириб келмоқда. Мамлакатимизнинг барча шаҳару қишлоқлари аллақачон байрам кайфиятига чулганган. Зеро, обод ва кўркам, осуда юртимизга байрамлар ярашади. Кўчалару хибобларимизда ўзини кўз-кўз қилаётган арчаларда милтиллаётган ранг-баранг чироқлар янги йил арафасида кўнглимизни чулғайдиган эзру-тилакларимизга хайрихоҳдек гўё.

Айтиш керакки, ҳар доим янги йил арафасида ортга бир назар ташлаб, ишларимизни сарҳисоб қилишга одатланганмиз. Айни пайтда Ватанимиз учун йилнинг қандай кечгани каттаю-кичикни бирдек қизиқтиради. Чунки она юрт тақдир — бизнинг тақдиримиз.

Шу маънода якунига етаётган 2010 йил «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинган ва айни шу йўналишда бекиёс ишлар амалга оширилгани барчамизни қувонтиради. Зеро, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш давлатимиз ва жамиятимизнинг бугунги кунда айниқса, келажак учун гоёта муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз таъкидлаганидек, **ҳозирги кунда тараққиёт йўлидан изчил ривожланиб боришимизда, эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи ўрин тутадиган муҳим бир омил борки, у ҳам бўлса, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўзимизга олишга қодир бўлган, ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келадиган ёшларимиздир.**


Шу ўринда қайд этиш жоизки, «Баркамол авлод йили» муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурида болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани

янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Бу боранида, бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда 600 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди. Уларнинг якуни бўйича амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури амалга оширишда таълим соҳасини ривожлантириш, авваломбор, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги ўқув муассасалари қуриш ва уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш масаласига эътибор янада кучайтирилди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг амалга оширилиши натижасида 1 минг 536 та академик лицей ва касб-хунар коллежи, умумтаълим мактабларининг қарийб 9 мингтаси, яъни деярли ҳаммаси, 1 минг 800 дан ортиқ спорт зали намунавий лойиҳалар асосида барпо этилди ёки капитал реконструкция қилинди.

Истиқлол йилларида юртимизда 1 минг 200 дан зиёд янги спорт иншооти барпо этилиб, уларнинг мингдан ортиги қишлоқ жойларида қурилди. Бу эса 260 минг нафардан зиёд болага спортнинг кўплаб турлари билан мунтазам шуғулланиш имкониятини берди.

(Давоми иккинчи бетда)



Munosabat

Якунига етаётган 2010 йил мамлакатимиз, халқимиз учун юксак марралар йили бўлди, десак асло хато қилмаймиз. Чунки ушбу йил мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга кенг йўл очган муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларга бой бўлди.

Шуқуқли ва хосиятли кечган йил

Дарҳақиқат, 2010 йил овоз ва обод Ватанимиз тарихида ўчмас ва ёрқин из қолдирди. Зеро, йил давомида Ўзбекистонимиз бир қатор йирик халқаро анжуманларга мезбонлик қилди. Аввало, ушбу йил юртимизга кутлуг қадам билан кириб келди. Жаҳон андозлари ва демократик тамойилларга мос тарзда ўтган сайловлар натижасида январь ойининг охиридан бошлаб қонун чиқарувчи ҳокимият, яъни Олий Мажлис палаталари иккинчи мартаба янги таркибда ўз фаолиятини бошлади.

Парламент палаталарининг шу йил 27 январдаги қўшма мажлисида давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиз» номи маърузасида белгилаб берилган вазифалар Парламент палаталари, жумладан, Сенат фаолиятида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, йил бошида пойтахтимизда бўлиб ўтган, дунёнинг 46 та давлатдан 400 нафардан ортиқ вакиллар иштирок этган «Инқирозга қарши чоралар дастурининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзусига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция, айниқса, унинг иштирокчиларига Президентимизнинг йўллаган табриқидаги гоёлар, ташаббуслар жаҳон жамоатчилигининг эътибор

рини ўзига жалб этди. Бу эса, ўз навбатида, тадбирнинг нуфузи, аҳамиятини янада орттириши баробарида жаҳонда тараққиётнинг «Ўзбек модели» деб тан олинган тамойилларнинг нақадар самарали эканини яна бир қарра намоян эътибор, ривожланган давлатларнинг сиёсатчилари, экспертлари ва жамоатчилигининг эътирофига сазовор бўлди.

Орадан кўп ўтмай, аяниқроғи, май ойида азим Тошкент шаҳрида яна бир йирик халқаро анжуман, яъни Осий тараққиёт банки бошқарувчилари Кенгашининг 43-йиллик мажлиси, юқори савияда тайёргарлик кўрилгани боис, муваффақиятли тарзда ўтди.

Бу нуфузли анжуман қатнашчилари Ўзбекистонда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган ислохотлар натижаларига юксак баҳо бериш билан бирга мамлакатимиз нафақат Марказий Осиёда, балки жаҳондаги йирик давлатлар орасида йилдан-йилга нуфузи ортиб бораётгани, айниқса, жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган шароитда Ўзбекистон раҳбарининг олдиндан кўрабирилиш ва инқироз таъсирини минималлаштиришга қаратилган сиёсати бошқа давлатлар учун ўрнак ва намуна бўлаётганини таъкидлагани барчамизни қувонтириши баробарида шу юртининг келажакига дахлдорлик ҳиссини янада кучайтирди, десак, хато қилмаймиз.

(Давоми учинчи бетда)

2010-yil — Barkamol avlod yili

Ғайрат-шижоат, билим ва салоҳият уйғунлиги

Мана, 2011 йилнинг оstonасига ҳам етиб келдик. Айни дамда янги йил шуқуқи, жозибаси дилларга қувонч бағишламоқда.



Айтиш керакки, ўтаётган йил юртимиз учун муваффақиятли келгани, халқимизнинг барча жабҳаларда улкан ютуқларга эришгани, ижтимоий-маънавий соҳаларда бекиёс ишлар амалга оширилганига барчамиз бирдай гувоҳимиз. 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб номлангани ва шу асосда Давлат дастури ишлаб чиқилгани ҳамда унинг ижроси изчил таъминлаб кели-

наётгани ҳақида эса алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Зотан, мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши йўлида мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб амалга ошириб келинаётган, кўламини тобора кенгайтирган саъй-ҳаракатлар ушбу йилда янги босқичга кўтарилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Bag'rikenglik tamoyillari

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият берилаётган. Ўтган йиллар мобайнида бу тизимнинг мутлақо янги концепцияси амалда жорий этилди. Жумладан, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётига ярашув институти киритилди.

Ярашув — эзгулик калити

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шу йил ноябрь ойида бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида Президентимиз суд-ҳуқуқ тизимидagi ислохотлар ҳақида тўхталар экан, мазкур институтининг самарадорлиги ҳамда ўзбек халқининг раҳмдиллик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайтириб боришига асос бўлаётганини алоҳида таъкидлади.



Ярашув институти талабига кўра, ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган жинсий қилмишни содир этган шахс ўз айбига

иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берса, жинсий жавобгарликка тортилмайди.

(Давоми иккинчи бетда)

E'tirof

Қонун ижодкорлиги

халқимиз манфаатларига хизмат қилади



Тўлқин ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

тон давлат мустақиллигига эришиши билан демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлади.

(Давоми иккинчи бетда)

Дарҳақиқат, Ўзбекис-

Одил суд кафолати

инсон ҳуқуқлари дахлсизлигининг муҳим омили

Авалло шуни айтиш керакки, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан босқичма-босқич тарзда олиб борилаётган ислохотларнинг туб мазмун-моҳияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилинишини кафолатлашга, одил судловнинг сифати ва самарадорлигини янада оширишга, бу вазифаларни амалга ошириш учун суднинг обрўси ва мавқеини кўтаришга, унинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга қаратилган.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга қаратилган чоратадбирлар босқичма-босқич тарзда такомиллаштириб борилаётган. Мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши юртимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устувор қадрият сифатида эъозланаётганининг яққол ифодаси бўлди. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилгани фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини



Арслон УСМОНОВ,
Олий суд судьяси

суднинг қарорисиз чеклаб қўйилмаслигини таъминловчи ҳуқуқий механизм яратиш борасида навбатдаги муҳим қадам бўлди. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ тизими ислохотларининг энг муҳим вазифаси — инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асосий жинсий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашшидан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқнинг самарали муҳофаза этилишини таъминлашдан иборатдир.

(Давоми иккинчи бетда)

Давоми. Бошланиши биринчи бетда

Поёнига етаётган йилда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган тадбирлардан яна бири — июнь ойида бўлиб ўтган ШХТ Саммити ва унда имзоланган муҳим ҳужжатлар ҳисобланади. Саммит иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг ШХТ фаолиятидаги ўрнига юксак баҳо бериб, мамлакатимиз ШХТнинг халқаро алоқаларини ривожлантириш, ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, айниқса, ШХТ хартиясидаги мақсадлар, вазифалар ва таъминотлар асосида минтақа ҳамда дунёда ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ қатор ташаббусларни билдираётганини алоҳида эътироф этди.

Биз хайрлашиш арафасида турган мазкур йилда давлатимиз раҳбарининг БМТ Саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисида билдирган кўпқиррали ва сермазмун фикрлари алоҳида аҳамиятга эга бўлди. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган «Минг йиллик декларация»да баён этилган долзарб муаммоларнинг Ўзбекистон томонидан ҳал этилиши билан боғлиқ жараёнлар, хусусан, иқтисодий ривож, ютуқларга эришиш орқали жамият раванқи билан бирга, эркинлик, тенглик, бирдамлик, бағрикенглик, демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда табиати асраб-авайлаш каби масалалар юзасидан юртимизда амалга оширилган кенг қўламли амалий ишлар ҳамжамиятга аъзо давлатларнинг эътиборини ўзига тортди.

Поёнига етаётган йилдаги яна бир муҳим сиёсий воқеа — Президентимизнинг 12 ноябрь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» деб номланган маърузасида баён қилинган гоёлар, ташаббус

ва тақлифлар, десак янглишмай-миз. Мазкур Концепцияда белги-ланган вазифаларни амалга ошириш асрининг иккинчи ўн йиллигида Олий Мажлис палаталарининг қонун ижодкорлиги ва қонунлар

ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги изчил ва тизимли ислохотларни давом эттириш билан боғлиқ энг муҳим ва долзарб қонунларни қабул қилиш ва самарали ижро этиш механизмини яратишга му-

қонидаги турли қарама-қаршиликлар ва мождарларни ҳал этишда қатнашиш эмас, балки, аввало, Ташкилотга аъзо мамлакатларни ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишдан иборатдир.

Йилимиз нафақат жамият ҳаётини янада ривожлантиришга, балки халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш, фаровонлигини оширишга замин яратган амалий ишларга бой бўлди. Шу билан бирга табиат, атроф-муҳитни асраб-авайлаш ва келажак авлодга уни мусаффо ҳолда етказиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Ўтган ойда мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтган «Ўрта Осиёнинг транс-гравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш» мавзусидаги халқаро конференция фикримизга далил бўла олади.

Албатта, ушбу мақолада йилнинг энг муҳим сиёсий воқеалари юзасида қисқача фикр юритдик, холос. Ҳулоса қилиб айтганда, 2010 йил юртимизнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётида ва халқимиз маънавиятида турфа хил янгиликлар ва ўзгаришларга бойлиги, жамиятда демократик қадриятларнинг янада чуқур ўрин эгаллагани, аҳолининг фаровонлигини оширишда том маънодаги ўзгаришлар, юқалишларга эришганимиз билан, яъни ўзининг шуқуқи ва ҳосиятлиги билан ўтган йиллардан-да самарали кечди. Ўйлаймики, янги 2011 йил мамлакатимиз тарихида янада юксак, буюк даврни очиб беради. Энг асосийси, янги асрининг иккинчи ўн йиллигини ёруғ юз, эзгу ниёт, улкан имконият ва катта салоҳият билан қаршиламоқдамиз. Янги йил юртимизга тинчлик, хотиржамлик, хонадонларимизга кут-барола олиб келадиган, жамиятимизда ижтимоий шерикчиликни мустаҳкамлашга, ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаёт кечиришимизга имкон яратадиган, деган умиддамиз. Янги йил барчамизга му-борак бўлсин!

Мавжуда РАЖАБОВА, юридик фанлари доктори

Munosabat Шуқуҳли ва ҳосиятли кечган йил



ижросини назорат қилиш билан боғлиқ фаолиятини янги босқичга кўтариши, жамиятни ислох этиш жараёнларини янада теранлаштиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Концепцияда белгилаган вазифаларни амалга ошириш юзасидан Сенат томонидан 3 декабрь куни «Харакат дастури» қабул қилинди. Унда ҳудудий вакиллик органи ҳисобланган Сенатнинг, шунингдек, ҳудудлар вакили бўлмиш сенаторларнинг давлат манфаатлари билан минтақалар манфаатлари мувофиқлигини таъминлаш, умуман олганда, Ўзбекистонимизда барқарор иқтисодий ўсиш, ижтимоий-сиёсий,

носиб ҳисса қўшишига оид чора-тадбирлар белгиланди. Мамлакатимиз суверенитетини, давлат чегараси ва ҳудуди дахл-сизлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарининг шу ойнинг бошида Москва шаҳрида бўлиб ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Кенгашининг мажлисидаги сўзлаган нутқида Ўзбекистоннинг қатъий позицияси баён этилгани кўп миллатли юртимиз аҳолиси томонидан қўллаб-қувватланди. Чунки давлатимиз раҳбарининг таъкидлашича, «ОДКБнинг вазифаси, бу — ОДКБ давлатлари ўртасидаги ва МДҲ ма-

Amaliyot

Маълумки, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни олиш зарурати туғилганда суд экспертиза тайинланади. Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги ажримда эксперт олдига ишга оид ҳолатларни аниқлаштириш юзасида аниқ саволлар қўйилади. Эътироф этиш керакки, экспертнинг ҳулосаси, биринчидан, саволларга аниқлик киритади, иккинчидан, судланувчига адолатли жазо тайинлашда муҳим ўрин тутатади.

Судга оид экспертиза

ҳақиқатни аниқлаштиришнинг қулай ва самарали воситаси

Амалдаги Жиноят процессуал кодексининг 186-моддасига кўра, экспертнинг ҳулосаси етарли даражада аниқ бўлмай, камчиликларни тўлдирish учун қўшимча текшириш ўтказишга зарурат бўлмаса ёки эксперт фойдаланган усулларга аниқлик киритиш зарур бўлиб қолса, суриштирувчи, терговчи ёки суд экспертни сўроқ қилиш ҳуқуқига эга. Айтиш керакки, қонунчилигимизда белгиланган ушбу мезонлар амалиётда қўл кел-моқда.



Масалан, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи М.З. зиммасига қўйилган айблов эпизодларида бош пудратчи «Жасурбек» хусусий фирмаси томонидан тўрт қаватли, 32 хонадонга мўлжалланган ўй-жойни куриб битказиш бўйича жами 805 миллион 996 минг 350 сўм маблағ сарфланди, деб ҳужжат расмийлаштирилган, курилиш объектида мутахассис томонидан назорат текшируви ўтказилганда бажарилмаган иш учун 2 миллион 704 минг 500 сўм қўшиб ёзилганлиги, судланувчи томонидан ушбу маблағлар ўзлаштирилиб, талон-торож этилгани кўрсатилган. Бу ҳолатни аниқлаштириш учун суд судга оид курилиш экспертизаси тайинлаш тўғрисида ажрим чиқарди.

он 400 минг сўмлик девор кафедр плиталари жойида эмас, 776 минг сўмлик ҳожатхона чаноқлари ўрнатилмаган. Мутахассис текширувдан сўнг 1 миллион 833 минг сўмлик пластик ром ўрнатилган. Суд курилиш экспертизаси яқини шуни кўрсатадики, судланувчи М.З. томонидан мазкур объектда ҳужжатлар қаб-бакилаштирилиб, бош ҳисобчи имзоси сохта-лаштирилган, бажарилган ишлар ҳажми 805 миллион 996 минг 350 сўм қилиб кўрсатилган. Аслида эса 805 миллион 512 минг 555 сўмлик ҳажмида курилиш ишлари бажарилган. Бинобарин, кури-лиш ишлари ҳажмини қўшиб ёзиш 2 миллион 704 минг 500 сўмни эмас, балки 483 минг 800 сўмни ташкил қилган.

Суд судланувчи М.З.нинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми «а» бандидан 167-моддаси 2-қисми «г» бандига, 209-моддаси 2-қисми «а» бандидан 209-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилди. М.З.га нисбатан жазо тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар инобатга оли-

Фуркат УСМОНОВ, жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон шаҳар судининг раиси

Jinoyat va jazo

Ишонч — чинакам инсоний туйғу. Бу туйғу кишилар ўртасидаги муносабатни янада мустаҳкамлайди, нотанишларни танишга, дўст-биродарга айлантиради. Аммо ҳаётда шундай кимсалар ҳам учрайдики, улар ўзларининг қирқин муаффақлиқларига етиш учун ишонч сингари муқаддас туйғунинг ҳам ниқоб қилиб олишдан тап тортишмайди. Қуйида ана шундай фирибгар кимсаларнинг қирқдорларни тўғрисида ҳикоя қиламиз.

Нафс йўриғидаги фирибгар

Ҳамида (исм-фамилиялар ўзгартирилган) туни билан ўйлаб чиққан режасига биноан таниши Б.Сардоровнинг уйига эрта тонгда кириб борди. «Дугонажон, уйингизни сотмоқчи экансиз, агар рози бўлсангиз, мен уни бойвачча танишларимга қиммат нархга пуллаб бераман», — деди у ҳол-аҳвол сўраган. Ростига гап, Барнонинг бунақа «олди-сотди»ларга ўнчалик укуви йўқ эди. Шунинг учун у Ҳамиданинг гапларини эшитиб, хурсанд бўлиб кетди ва дарров розилик берди. Шунда Ҳамида: «Биласизми-йўқми, уй сотишнинг югур-югур кўп бўлади. Шунинг учун, яхшиси, нотариус орқали менга ишончнома ёзиб берсангиз, иккаламизга ҳам қулай бўларди», — деди. Барно унинг бу тақлифига ҳам рози бўлди. Ишончномани қўлга киритиши билан ишга киришган Ҳамида Барнонинг уйига орадан кўп ўтмай мижоз топди ва уни 10.000 АҚШ долларига сотишга юборди. Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидек кечган, ортиқча баҳога ўрин йўқдек туюлади. Лекин Ҳамида уйнинг пулини Барнога бермай ўзининг ахтибжига ишлатиб юборганини эшитсангиз, гапнинг нишаби қаёққа бораётганини тушунасиз.

Суд очерки

Аммо бу қилмиши билан ҳам нафси қонмаган Ҳамида навбатдаги «юрини» бошлади. У қўчаларга илгинган уйларнинг сотилиши ҳақидаги эълонларни йил-йил, уларда қайд этилган телефон рақамларидан бирига қўнғирок қиладди. Унинг қўнғирогога жавоб берган Г.Турсунова ошдикди. Учрашганларида Ҳамида Г.Турсуновага уйни сотиб олиши, пулни уч ойдан сўнг бериши ҳақида тилхат ёзиб берди. «Мана, ўз қўлим билан ёзилган!» — Ҳамиданинг бу писандаси Г.Турсунованинг кўнглидаги шубҳаларни тумандий тарқатиб юборди. Ўз навбатида Ҳамида ҳам ёлгон гаплари билан Г.Турсуновани даққиллатиб, уйнинг ҳужжатларини қўлга киритаётганидан хурсанд эди. У қўлга теккан ҳужжатлардан фойдаланиб, орадан кўп ўтмай ўзганининг мулкчи 14.500 АҚШ долларига сотди, пулни эса ўзининг манфаати учун сарфлаб юборди. Ҳалол, виждони тоза инсоннинг кўнгли хотиржам тортиб, маънан юқалиб боради. Аксинча, бировнинг ҳақиқдан ҳазар қилмаслик одами тобора маънавий тубанликка тортаверади. Бундай кимса азбаройи тубан мақсадига эришиш учун фирибгарликнинг минг битта усулини ўйлаб топди. Ҳамида ҳам 2008 йилнинг июль ойида таниши Б.Бахтиёровдан 7.000 АҚШ доллари олади ва ваъдага биноан қарзини ўз вақтида узди. Аслида бу унинг сўзига туршидан далолат бермасди, аксинча, у Барчин Бахтиёровнинг ишончига киришни ўйлаган эди. Дарҳақиқат, у шу йўл билан Барчиннинг ишончини қозонди. (Давоми тўртинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан, фарзандликка олган болалари, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз эри (хотин) ва ота-онаси ҳамда уни фарзандликка олганлар, васиятноманинг мазмунидан қатъий назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегишли лозим бўлган улушнинг қамидга ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб олади.

Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр учун васиятномада белгиланган ҳар қандай чеклаш ва шартлар унга тегадиган мероснинг мажбурий улушидан ортиқча қисмигагина тегишлидир. Васиятнома ёки қонун

Мерос

ундан қандай тартибда мажбурий улуш олинади?

бўйича эр (хотин)га тегишли бўлган ворислик ҳуқуқи унинг мерос қолдирувчи билан никоҳдаги ҳолатига боғлиқ бошқа мулклий ҳуқуқларига, шу жумладан, никоҳда бўлиб, биргаликда орттирилган мол-мулкнинг муайян қисмига нисбатан бўлган мулк ҳуқуқига дахл қилмайди. Меросхўр ўзига тегишли лозим бўлган меросни ёки унинг бир қисмини (улушини) олиш ҳуқуқига, агар у кейинчалик меросдан воз кечмаса, ворислик ҳуқуқидан маҳрум этилмаса ва уни меросхўр этиб тайинлаш тўғрисидаги васият фармойиши ҳақиқий эмас деб топилгани натижаси-

да мерос олиш ҳуқуқини йўқотмаса, мерос очилган вақтдан эътиборан эга бўлади. Мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрнинг илтимосига кўра, унга меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериши шарт. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан сўнг берилади. Қонун бўйича мерос олинганда ҳам, агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома бериши сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўр йўқлиги

Эзгулик калити

Судда Я.Икромов келинига нисбатан ҳозирда ҳеч қандай моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини, улар ўзаро ярашиб олганликларини, ярашув ҳақидаги ариза тасдиқланган тақдирда мазкур жиноят ишини қайта кўзга тушириш ҳақида илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқлигини тушунтирилганини, яъни Жиноят процессуал кодексининг 583-моддаси талаблари билан танишиб чиққанлигини, улар ўртасидаги ярашувни тасдиқлаб, М.Икромовга нисбатан жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўраб кўрсатма берган. Суд ана шу асосга кўра, Жиноят кодексининг 66-моддасига асосан томонлар ярашганлиги муносабати билан М.Икромов-

вани жинойи жавобгарликдан озод этиш мумкинлигини инобатга олиб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни лозим топди. Бошқа бир ҳолатда Ж.Шодиёв турмуш ўртоғи Мавжуда билан ўзаро келишмай қолади. Эр аёлини уриб, унга тан жароҳати етказди. Бироқ сал ўтмай жахлидан тушган, турмуш ўртоғининг ўша пайтдаги руҳий ҳолатини тушунган аёл уни кечиришга қарор қиладди. Суд жиноят иши ҳужжатлари ва жабрланувчининг судга тақдим этган ярашув тўғрисидаги аризаси билан танишиб, туман прокурорининг Д.Шодиёвга нисбатан жиноят ишини томонлар ярашувни муносабати билан ҳаракатдан тугатиш ҳақидаги



хулосасини эшитиб, ярашув ихтиёрийлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини, гумонланувчи ва жабрланувчининг аризаларини ихтиёрий

Қувондик МАМАРАҲИМОВ, Олий суд судьяси

